


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

**Якубжанова Д.Қ.**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**



**САМАРҚАНД -2015**

Битирув малакавий ишларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатма. 5330200 – Информатика и ахборот технологиялари, 5111000 – Касб таълими (Информатика и ахборот технологиялари), 5350500-Компьютер инжиниринги, 5330600-Дастурий инжиниринг, 5350400-АКТ соҳасида касб таълими йўналиши бакалаврлари учун мўлжалланган.

Мазкур услубий кўрсатмада битирув малакавий ишларни тайёрлаш тартиби, унинг бажарилиш мазмуни ва унга тегишли материаллар баён этилади.

**Муаллифлар: катта ўқитувчи Якубжанова Д.Қ.**

Услубий қўлланма ТАТУ Самарқанд филиали ўқув-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.  
« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2015 йил - \_\_\_\_\_ сон мажлис баёни.

Кенгаш раиси:

А.А.Халджигитов

Такризчилар:

Ф.-м..ф.н., доц. Қаршиев А.Б..  
Т.ф.н., доц. Ўрунбоев Э.

*ТАТУ Самарқанд филиали - 2015*

## Кириш

Мазкур услубий кўрсатма Тошкент Ахборот технологиялар Университети Самарқанд филиали 5330200 – Информатика и ахборот технологиялари, 5111000 – Касб таълими (Информатика и ахборот технологиялари), 5350500-Компьютер инжиниринги, 5330600-Дастурий инжиниринг, 5350400-АКТ соҳасида касб таълими бакалавр йўналишлари учун талабаларга битирув малакавий ишени тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган. Услубий кўрсатмада битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари, мавзуларини танлаш ва тасдиқлаш тартиби, битирув малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш, битирув малакавий ишнинг таркиби ва мазмуни, бажарилиши, расмийлаштирилиши, ҳимоя қилиш келтирилган.

Ўқув жараёнининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган битирув малакавий иши талабаларнинг мустақил ўқув тадқиқот иши бўлиб, у уларнинг ўз йўналишларида олган назарий ва амалий билимларининг якуний натижаси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишни бажариш Ўзбекистонда ва хорижда чоп этилган илмий-техникавий дарсликлар, ўқув қўлланмалардан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан, статистик маълумотлардан, интернетдан, илмий журналлардан кенг фойдаланишни талаб этади ҳамда шу асосда олинган назарий ва амалий билимларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида талабанинг мустақил тарзда назарий ва амалий маълумотларни умумлаштириш ҳамда таҳлил этиш, зарур хулосалар чиқариш ва шу асосда танланган мавзу бўйича ўзининг тавсия ва таклифларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни асослаш бўйича қобилияти очилади. Бу омил эса битирув малакавий ишнинг битираётган талабанинг қай даражада билим олганини ва қандай мутахассис бўлиб этилганидан далолат беради.

# 1. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ БАЖАРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Битирув малакавий ишни бажариш – олий таълим муассасалари бакалаврият таълимининг якуний босқичидир.

Замонавий таълим шароитида ўқувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий–амалий билимларини чуқурлаштириш ва фаоллаштириш муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусиятлар келажакда ўқувчилар қобилиятини ва қизиқишига онгли равишда ўз касбларига қизиқиш ва масъулиятни ошишига ёрдам беради.

Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад: таълим йўналиши бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни таълим жараёнида илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш; ижодий ишлаш, муаммо ёки масаланинг (муаммонинг) ўқитилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш; замонавий таълим, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиш шароитида талабаларни мустақил ишлаш ва қарор қабул қилиш ҳамда ижодий ёндашувга тайёргарлигини таъминлаш.

Битирув малакавий ишнинг асосий мавзулари кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан махсус фанларнинг дастурий талаблари ва хусусиятлари, мамлакат иқтисодиётининг иқтисодий ислохотларини янада чуқурлаштириш жараёнидаги асосий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда талабаларга тақдим этилади. Битирув малакавий ишнинг мавзусини танлашда талаба кафедра томонидан тайинланган илмий раҳбарнинг маслаҳатларидан фойдаланади.

Битирув малакавий ишнинг асосий вазифалари:

- олинган мутахассислик ва бирор ихтисос бўйича тайёрлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва амалий ишларда билимларни мустаҳкамлаш;
- мустақил маълумотларни излаш ва муайян муаммолар юзага келиш мақсадларида вазиятларни ўрганишга бўлган билимларни эгаллаш;

- битирув малакавий ишда қўйилган вазифаларни бажаришда тадқиқот, тажриба-синов ва лойиҳалаш методикаларини ўзлаштирганлик даражасини намойиш этиш;

- реал шароитларда талабанинг ишга тайёргарлик даражасининг намоён бўлиши;

- мавжуд материалларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш ва ҳ.к.лардан иборат.

Танланган мавзу бўйича битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида талаба қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- танланган мавзу бўйича назарий билимларни чуқур билиши, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва мавзунини тадқиқ этишда замонавий усуллардан фойдалана билиш;

- танланган мавзунини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, амалий маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш ҳамда шу асосда мавзу объекти бўйича нуқсон ва камчиликларни аниқлаб чиқиш;

- мавзу бўйича объект фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни илмий асослаб бериш.

## 2. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАР МАВЗУЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

Битирув малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини акс эттириши керак.

Битирув малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва олий таълим муассасаси ёки факультетнинг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар ўқув йили бошида қайта кўриб чиқилади.

Битирув малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга битирув малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади.

Битирув малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади. Иш раҳбари, битирув малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага битирув малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича топшириқ беради.

Топшириқнинг шакли олий таълим муассасанинг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ битирув малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

Битирув малакавий иш:

- илмий тадқиқотнинг дастлабки маълумотларини тизимлаштирилган ҳолда сақлаши;

- танланган мавзу бўйича тадқиқотнинг бажарилиш йўллари ва натижаларини ифодалаш;

- олинган мутахассислик ва бирор ихтисос бўйича тайёрлаш соҳасида мустақил илмий-тадқиқот ва амалий ишларни ўз ичига олиши;

- янги далиллар ва ҳодисалар ёки замонавий илмий нуқтаи назарлар билан аввалдан маълум бўлган шартлар умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олиши;

- мунозарали ва баҳсга сабаб бўлган характердаги материалларни қамраб олиши лозим.

Битирув малакавий иш талабанинг:

- турли хил нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда касбий масалаларнинг кўпроқ мақбул вариантларини танлаши ва мантиқий фикрлаши;

- мавзунини аниқ ифодалаши ва унинг долзарблик даражасини баҳолаши;

- қўйилган вазифаларни ечишда танланган методларни асослаши;

- манбалар, адабиётлар ва бошқа луғавий-ахборот материаллари билан мустақил ишлаши;

- уларни назарий таҳлил қилиши;

- зарур далиллар, рақамли маълумотларни танлаши, уларни таҳлил қилиши ва шарҳлаши, шунингдек, уларни жадвал ёки бошқа иллюстратив шаклларда намойиш этиши;

- асосланган хулосалар чиқариши, ишнинг илмий натижаларини ифодалаши ва амалий тавсиялар бериши;

- ўз фикрларини хатосиз, адабий тилда баён этиши, ишни тўғри расмийлаштириши;

- олинган натижалар тақдимотини замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда ўтказиши каби маҳорати тўғрисида далолат бериши лозим.

### **3. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНИ БАЖАРИШГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ**

Битирув малакавий ишларга раҳбарлар ушбу олий таълим муассасасининг профессор ва доцентлари ёки илмий ходимлари, бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Битирув малакавий иш раҳбари:

- топшириқ беради;
- битирув малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказади;
- битирув малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган битирув малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ёки бошқа манбалардан айнан кўчирилишига йўл қўймайди.

Битирув малакавий ишнинг бўлимлари бўйича консултант (маслаҳатчи)лар этиб, олий таълим муассасасининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Консултантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширади, тегишли кўрсатмалар беради.

Битирув малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Битирув малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар, ва хулосалар билан ёритилади. Битирув малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва маколалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатга, номлари кўрсатилган ҳолда ишлари, таҳлилий-қиёсий маълумотлар сифатида акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми битирув малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодаланиши лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмига графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар,



схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшимча ахборот ёзилган электрон шаклдаги маълумотлар илова этилиши мумкин.

Битирув малакавий ишларнинг таркибига битирув малакавий ишнинг мавзуси, мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электрон шаклдаги тақдимот материаллари киритилиши мумкин.

Тушунтириш қисми камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади.

Кафедранинг тавсиясига биноан битирув малакавий иш чет тилларининг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

## **4. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЗМУНИ**

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида малакавий ишнинг долзарблиги асосланади, амалий аҳамияти, илмий янгилик ёки муаммолик томонлари акс эттирилади, тадқиқот предмети малакавий ишда кўриб чиқиладиган муаммолар, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилади. Битирув малакавий ишда иложи борича охирги 5 йилда нашр этилган адабиётлар, илмий ишлардан ҳамда Интернет янгиликлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Битирув малакавий иши устида ишлаётган талаба касб, одоб-ахлоқий қоидаларига риоя этиши (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, шунингдек ёлғон цитаталар келтиришга йўл кўймаслик) лозим.

Битирув малакавий иш мавзуси мазмунини расмийлаштириш намунаси:

- 1. Титул варағи;**
- 2. Ҳар бир масала саҳифалари кўрсатилган иш режасининг мундарижаси;**
- 3. Кириш;**
- 4. I-боб**
  - 1.1.**
  - 1.2.**
  - .....
- 5. II-боб**
  - 2.1.**
  - 2.2.**
  - .....
- 6. III-боб.**
  - 3.1.**
  - 3.2.**
  - .....
- 7. Хулоса ва таклифлар;**
- 8. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;**
- 9. Иловалар (дастурлар коди, жадваллар, диаграммалар, чизмалар, график ва схемалар).**

Битирув малакавий ишлар ҳажми қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

<i>№</i>	<i>Бўлимларни номлари</i>	<i>Ҳажми</i>
1	Мундарижа	1 бет
2	Кириш	5 – 7 бет
3	Асосий қисм (боб ва бўлимлар)	50 – 55 бет
4	Хулоса ва тавсиялар	1 – 2 бет
5	Фойдаланилган адабиётлар	1 – 2 бет

Фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлилини тузишда қўйилган муаммони ўрганиш учун улар нимани беришлигини аниқлаш, шунингдек, уларнинг муаллифи қандай манбаларга таянганликларига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлили сифатида оддий келтирилган меъёрий-ҳуқуқий далолатномалар, уларнинг муалифлари ва ишларини алмаштириш мумкин эмаслигини унутмаслик лозим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар таҳлили мавзуй ёки кўргазмали тамойил бўйича тузилиши, талабанинг (яъни, унинг ўқиган материалларига шахсий муносабати) баҳосини ўз ичига олиши, муаммонинг қайта ишланганлик даражасини кўрсатиши, тўлиқ ўрганилмаган масалаларни аниқлаши лозим.

Кириш битирув малакавий иш умумий ҳажмининг 10-12 фоизини ташкил этиши лозим.

Битирув малакавий ишнинг асосий қисми муаммоли тадқиқот ҳисобланади. Муаммоли тадқиқот ишларда талабалар чуқур илмий изланишлар олиб бориб муайян бир муаммони илмий тарзда ечилишини ҳал этиб берадилар.

Асосий қисм бобларининг сони ва мазмуни иш турига қараб белгиланади. Касб таълими йўналишлари бўйича тайёрланадиган битирув малакавий иш икки бобдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Одатда, биринчи бобда тадқиқот олиб борилган объект бўйича қисқача маълумот бериш билан бирга мавзунинг умумий назарий масалалари бўйича мазкур тадқиқот натижаларининг амалиётда тадбиқ этилиши мумкин бўлган муассасанинг қисқача тавсифномаси берилиши лозим.

Битирув малакавий ишнинг асосий қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг назарий жиҳатларини ёритувчи боб ва бўлимлардан ташкил топиши, тадқиқот методи ва техникаларини киритувчи мазмун, кутиладиган натижаларнинг баён этилиши,

хулосаларнинг шакллантирилиши ва амалий тавсиялар берилиши лозим.

Асосий қисмни ташкил этувчи боб ва бўлимларнинг мазмуни битирув малакавий иш мавзуйига тўлиқ мос келиши ва уни тўла очиб бериши даркор. Боб ва бўлимлар талабанинг қисқа, мантиқан тўғри ва далиллар келтириб тўплаган, тизимлаштирган ҳамда таҳлил қилган материалларини баён этиш қобилиятини намоиш этиши лозим. Мазкур кўрсатмада боб ва параграфлар ўзаро мантиқий изчилликда берилади.

Демак, ишнинг биринчи бобида масаланинг назарий асослари ёритилиши, иккинчи бобида эса унинг методикаси ишлаб чиқилиши лозим. Яъни, талаба битирув малакавий ишнинг биринчи бобида назарий маълумотлар тўплашга ҳаракат қилиши, унинг иккинчи бобида битирув олди амалиёти давомида танишиб чиққан материаллари асосида ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиб ўрганиши талаб этилади. Талаба бунда ўқув режа ва фан дастурларининг ўзаро муносиблиги тўғрисида тўхталиб, мазкур ўқув-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни батафсил баён этади.

Битирув малакавий иш якунида бугунги кунда давлат ва жамият талаблари асосида замонавий касб-хунар таълими учун уларнинг такомиллаштирилган вариантларини тавсия этиши лозим.

Битирув малакавий ишда таҳлил ва асослаш учун база сифатида қўлланилувчи материаллар етарли даражада тўлиқ ва ишончли бўлиши лозим. Чунки буларга таянган ҳолда иш ҳолатини таҳлил қилиш, захираларини очиш ва улардан фойдаланиш йўллари белгилаш, шунингдек, ишдаги яширин камчиликларни бартараф этиш мумкин бўлсин. Тўпланган материал хажми ва тавсифи қабул қилинган тадқиқот методикасининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

Битирув малакавий ишнинг бажарилишида техник воситаларнинг таъминланиши у ёки бу кўрсаткичларни ҳисоблаш, вазиятларни моделлаштириш, лойиҳани расмийлаштириш, тақдимот материалларини ДАК олдида химоя қилишга тайёрлаш учун махсус компьютер ва мос келувчи дастурий таъминотдан фойдаланишни талаб этади.

Хулоса ва таклифлар қисмида иш мазмуни бўйича ишлаб чиқилган хулосалар ва аниқ таклифлар, эришилган натижалар мужассамлаштирилади. Малакавий иш айрим боблардаги хулосалар ва таклифлар билан ҳам тугалланиши мумкин, аммо ундан энг

муҳимлари ишнинг охирида, яъни хулоса бўлимида акс эттирилиши керак.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар талаба томонидан битирув малакавий ишни тайёрлаш ва ёзиш жараёнида қўлланилган манба ва адабиётларни ўз ичига олади ва у тадқиқот мавзуйига боғлиқ тарзда 25-30 (ва ундан кўп) номдан ташкил топади. Манбалар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим Давлат таълим стандартлари талабларига мос тарзда келтирилади.

Бунда битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида қўлланилган барча қонун чиқарувчи ва меъёрий-ҳуқуқий материаллар, илмий, ўқув ва даврий нашрлар тўлиқ библиографик тавсифи (нашр жойи, нашриёт номи, чоп этилиш йили ёки нашри)ни ўз ичига олиши лозим. Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатини тузиш жараёнида нашр қилинган ва чоп этилмаган ишлар ажратилган бўлиши керак.

Ишнинг илова қисмида битирув малакавий ишасосий мазмунини қўшимча тўлдирувчи ва кўرғазмали тасвирловчи барча материаллар келтирилади. Бунда, асосан чизма, жадвал, диаграмма, гистограмма, расм, сурат ва фотоҳужжатлар, шунингдек, ҳар хил турдаги матнлар, ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотномалар, эълонлар жойлаштирилади.

## 5. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Битирув малакавий иш олий таълим муассасасининг, одатда, ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарда бажарилади. Айрим ҳолларда, битирув малакавий иш корхоналар, муассасалар, илмий, лойиҳалаш ва бошқа муассасаларда бажарилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба битирув малакавий ишининг бажарилиш ҳолати ҳақида раҳбар ва кафедра мудирини олдида ҳисобот беради. Кафедра мудирини битирув малакавий ишнинг тайёрлик даражасини белгилайди.

Шу мақсадда кафедрада ҳар бир битирувчи кесимида битирув малакавий ишларнинг бажарилиш мониторингини ташкил этилиб, унинг бажарилиш ҳолатини раҳбарнинг ҳафталик ҳисоботлари асосида фоизларда аниқлаб борилади.

Талаба — иш муаллифини, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, битирув малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатини йўқлигига жавоб беради.

Битирув малакавий ишларни бажариш босқичларида белгиланган муддатлардан кечикиш ҳоллари аниқланганда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кафедра мудирини томонидан белгиланади.

## 6. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ

Битирув малакавий иш битта нусхада тайёрланган ва коленкор (қалин сурпли) муқовада тикилган бўлиши лозим. Битирув малакавий иш матни ўқиб чиқилган ва таҳрир этилган бўлиши даркор.

Битирув малакавий иш компьютерда бажарилиши мумкин. Компьютерда тайёрланган ишнинг умумий ҳажми 55-65 бетдан иборат бўлиши керак. Иловалар унинг умумий ҳажмига кирмайди.

Битирув малакавий иш А4 форматдаги қоғознинг бир томонига расмийлаштирилиши шарт. Матн 1,5 интервалда Times New Roman № 14 шрифтда бажариш мақсадга мувофиқдир. Малакавий иш А4 шаклидаги қоғознинг чап томонидан 3,0 см, ўнгдан 1,5 см, юқори ва пастдан 2,5 см дан кам бўлмаган ҳошия қолдирилган ҳолда теририлиши талаб этилади.

Дастлабки ҳимояда талаба битирув малакавий ишни тўлиқ (бирок муқоваланиши шарт эмас) варианты ҳамда ўзининг илмий-изланиш ва амалий фаолиятининг кўргазмали натижалари ва маърузалари илова қилинган қўшимча материалларни тақдим этади.

Битирув малакавий ишнинг дастлабки ҳимояси ўтказилгандан сўнг ҳамда ДАК котибасининг тақризидан кейин ҳимояга 3 кун қолганда қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- 1) малакавий иш кафедра мудири, илмий раҳбар, илмий маслаҳатчилар томонидан тасдиқланган, муқоваланган нусхаси;
- 2) малакавий иш ҳамда унинг тақдимот материаллари агар компьютерда ёзилган бўлса, уларнинг электрон версияси туширилган дискета;
- 3) битирув малакавий ишга ёзилган илмий раҳбар якуний хулосаси;
- 4) Оппонентнинг тақризи;
- 5) малакавий ишга тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар.

Битирув малакавий ишининг **титул варағини** қабул қилинган намунага мос равишда расмийлаштириш талаб этилади.

Тақриزلарда қуйидагилар ёритилиши лозим:

**Илмий раҳбар хулосасида** (6-илова):

- 1) диссертация мавзусининг долзарблиги;
- 2) тадқиқот мақсади;
- 3) тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги;
- 4) тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги;
- 5) тадқиқот усуллари;

б) изланиш натижаларидаги хулоса ва тақрифларнинг сифати;

7) битирув малакавий ишига қўйиладиган талаб ва мутахассисликка мослигини ақс эттириш зарур.

Битирув малакавий ишга объектив олиш мақсадида унга мувофиқ келувчи ташкилот бошқармасининг юқори илмий-амалий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларининг тақризлари муҳимдир. Ҳар бир битирув малакавий иш бўйича кафедра йиғилиши қарорига мувофиқ тақризчи белгиланади.

Тақризчи – олий таълим муассасаларининг бошқа кафедралари профессор-ўқитувчилари, ёки муайян битирув малакавий ишда кўтарилган муаммо бўйича етакчи илмий ва амалий фаолият олиб борувчи бошқа муассаса, ташкилот ва корхона мутахассислари таркибидан бўлиши мумкин.

Тақризда талаба томонидан танланган мавзунинг долзарблигига баҳо берилиши, унда қўйилган мақсад ва ифодаланган вазифаларга битирув малакавий иш мазмунининг мослиги, унинг асосий қиймати белгиловчи, амалий аҳамияти ва олинган натижаларнинг илмий асосланганлиги, шунингдек, ишда йул қўйилган асосий камчилик берилган бўлиши лозим. Битирув малакавий ишнинг касбий тайёргарлик даражасини яқуний баҳолаш унинг меъёрий ҳужжат талабларига мослиги ва оппонентнинг ҳимоя қилишга рухсати ҳақидаги хулосаси ҳисобланади. Тақризчи битирув малакавий ишнинг мазмуни ва расмийлаштирилиши бўйича талаба меҳнати натижаларига нафақат сифат, балки миқдор (балларда) баҳо бериши зарур.

**Ташқи тақризда (7-илова):**

- мавзунинг долзарблиги;
- тадқиқот мақсади;
- тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги;
- тадқиқотнинг амалий аҳамияти;
- ишнинг тузилиши ва таркиби;
- тадқиқотнинг мазмуни ҳамда тугалланганлик даражаси;
- маълумотлар ва матнни баён этиш тили ҳамда услуби;
- битирув малакавий ишига қўйиладиган талаб ва мутахассисликка мослигини ақс эттириш зарур.

Илмий раҳбардан ижобий тақриз олингандан сўнг, талаба тайёр бўлган битирув малакавий ишни бир ҳафта ичида факультет декани томонидан давлат аттестацияси учун белгиланган оппонентдан тақриз олиш учун тақдим этиши лозим.



Илмий раҳбар хулосаси ва ташқи тақриз билан талаб даражасида расмийлаштирилган диссертация иши кафедрага топширилади.

Битирув малакавий кўпинча мазмунига кўра матндан ташқарида жойлашган жадваллар, кўргазмали маълумотлар, чизмалар, формулаларга олинган манбасини беришга тўғри келади. Матндаги келтирилган расмлар, жадваллар, бетлар, бобларда тартиб рақамининг белгисиз («№»), яъни 5-чизма, 6-жадвал, 13-бет ёки III боб шаклида ёзиш талаб этилади.

Изоҳлар (сноски) саҳифанинг энг пастки қисмига чизик тортиб, сатр бошидан ёзилади. Изоҳлар ҳар бир саҳифада алоҳида тартиб рақами билан кўрсатилади. Кейинги бетда изоҳлар янги тартиб рақами билан берилди. Изоҳнинг матндаги рақам белгиси агар изоҳ айрим сўзгагина тааллуқли бўлса, бевосита шу сўздан кейинги, агар бутун гапга тегишли бўлса, гап охирида кўрсатилади.

Битирув малакавий иши матнида кўп ҳолларда бошқа тадқиқотчилар томонидан тасдиқланган далилларни беришга ёки улардан баъзи маълумотларни ўзлаштиришга тўғри келади. Агар олинган манба кўрсатилмаса, кўчирмакашлик ҳисобланади. Шунинг учун олинган маълумотларнинг манбаи, албатта, кўрсатилиши шарт.

## 7. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган битирув малакавий иш (компьютерда бажарилган ҳолда унинг электрон варианты билан бирга) талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар, битирув малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва битирув малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Кафедра мудири, тақдим этилган материаллар асосида, битирув малакавий ишни талаба томонидан Якуний давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади.

Агар, кафедра мудири талабанинг битирув малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади. Ҳимояга киритилган битирув малакавий иш тақризга юборилади. Тақризчилар таркиби битирувчиларга иш берувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида бошқа олий таълим муассасасининг профессор ва ўқитувчилар ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун Якуний давлат аттестация комиссиясига тақдим этади.

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Битирув малакавий ишлар ҳимояси замонавий ахборот технологиялари воситасида тақдимот (презентация) шаклида ташкил этилади ва ўтказилади. Битирув малакавий ишлар мавзуси, мазмун-моҳияти ва хусусиятларига мувофиқ, уларнинг ҳимоясини ташкил этиш ва ўтказишнинг бошқа шакллари олий таълим муассасаси Илмий кенгаши томонидан ўрнатилиши мумкин.

Архив, ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда сақланаётган ёки интернет ресурсларидан фойдаланиб айнан кўчириб олинганлиги расмий ҳимоягача аниқланиб тасдиғини топган битирув малакавий ишлари кафедра мудири тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилинади ва битирувчига қоникарсиз баҳо қўйилиб,

иш раҳбари кейинги уч йил давомида битирув малакавий ишларга раҳбар этиб тайинланмайди.

Олий таълим муассасасида ахборот технологиялари воситасида тақдимот шаклида битирув малакавий ишлар ҳимоясини ташкил этиш учун етарли даражада махсус жиҳозланган аудиториялар белгиланади.

Битирув малакавий иш ҳимоясидан сўнг (камида 10 йил) олий таълим муассасасида сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича битирув малакавий ишни бошқа ташкилот ёки ходимларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (тадбиқ этиш, танловлар ва ҳоказо), ишдан нусха олинади ва уларни мазкур нусха берилади, ишнинг асл нусхаси олий таълим муассасасида қолдирилади.

## 8. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Битирув малакавий ишни асосий баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- мавзунинг долзарблиги ва янгилиги, уни ишлаб чиқишнинг мураккаблиги;

- қўрилаётган масала бўйича маҳаллий ва хорижий манба ва махсус адабиётлардан тўла фойланилганлиги;

- тадқиқот объекти бўйича далилий маълумотларни тўлиқ ва сифатли тўпланганлиги;

- қўйилган масалани ҳал қилишда метод ва воситалардан фойдаланишнинг тасдиқланганлиги;

- олинган натижаларни таҳлил қилиб, шарҳлай олинганлиги;

- хулоса, таклиф, тавсияларнинг илмий, услубий ва амалий аҳамияти ҳамда уларни исботланганлик даражаси ва реал тадбиқ этиш имкониятлари;

- материални аниқ ва тўғри, хатосиз баён этилганлиги, ишни сифатли расмийлаштирилганлиги, мазкур «Услубий кўрсатма» талаблари ҳисобга олинганлиги;

- битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий масалалар бўйича мунозара юрита олинганлиги, ДАК аъзоларининг саволлари ва тақризчилар камчиликларига берилган жавобларнинг тўғри ва чуқур ифодаланганлиги.

Агар иш мавзуи илмий асосланиб, ўзида назарий, услубий ёки амалий қизиқишни уйғота олса, қўйилган масалани ҳал қилишда муаллиф томонидан мақбул таҳлил қилиш усуллари, замонавий метод ва воситаларни қўллаш мумкинлиги тасдиқланса, шунингдек, у касб-ҳунар таълимининг илмий-назарий, услубий ёки амалий масалаларига ёрдам берсагина, битирув малакавий иш «аъло» баҳога лойиқ деб топилади. «Аъло» баҳоланган ишнинг таркибий тузилиши аниқ, мантиқан тўғри ва қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Хулоса қисмда аниқ, қўйилган масалани ҳал қилишда ҳисса қўшадиган ҳар томонлама асосланган хулосалар келтирилиши лозим. Чунки бу унинг келажакдаги истиқболини белгилайди.

## ИЛОВАЛАР

1-илова


### *А-4 ўлчамли ёзув қозоида битирув малакавий ишини ёзиш*

#### ТАРТИБИ:

Битирув малакавий иши бетлари қуйидагича ёзилиши лозим:

- чап томондан - 30 мм;
- юқоридан - 25 мм;
- ўнг томондан - 15 мм;
- пастдан - 25 мм.

Ҳар бир қаторга 65-70 тадан ҳарф ёзилади. Жами 28-29 қатор бўлади.



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA  
KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI**

**TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI  
SAMARQAND FILIALI**

**TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI  
VA KASB TA’LIMI FAKULTETI**

**«AXBOROT-TA’LIM TEXNOLOGIYALARI» KAFEDRASI**

**“Axborot ta’lim texnologiyalari kafedra”si web saytini HTML 5 CSS 3  
texnologiyasidan foydalanib yaratish mavzusidagi**

**BITIRUV MALAKAVIY ISHI**

**Bajardi:** 5610600-Xizmat ko`rsatish  
texnikasi va texnologiyasi 4 - kurs  
talabasi Norboyev F.\_\_\_\_\_

**Ilmiy rahbar:**  
Shodmonov D.\_\_\_\_\_

Bitiruv malakaviy ishi kafedradan dastlabki himoyadan o'tdi.

\_\_\_\_\_ sonli bayonnomasi «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2015 yil  
Kafedra mudiri Yakubjanova D.Q.\_\_\_\_\_

**S A M A R Q A N D – 2015**

## MUNDARIJA

	<b>KIRISH</b> .....	3
<b>I BOB.</b>	<b>WEB TEXNOLOGIYALAR VA ULARNING HOZIRGI ZAMON AXBOROT TEXNOLOGIYALARI MUHITIDAGI O’RNI VA ISTIQBOLLARI</b> .....	6
<b>1.1</b>	O’quv muassasasi uchun yaratilgan web saytlarning ahamiyati.....	6
<b>1.2</b>	Web-sahifalar va ularni ko’rish vositalari .....	12
<b>1.3</b>	Web saytlarni yaratish bosqichlari .....	15
<b>1.4</b>	Internetda interaktiv xizmatlar.....	19
<b>II BOB.</b>	<b>WEB SAYT YARATISHDA FOYDALANILGAN TEXNOLOGIYALAR VA ULARNING IMKONIYATLARI</b> ....	23
<b>2.1</b>	HTML-5 tili haqida umumiy tushunchalar.....	23
<b>2.2</b>	HTML 5 da cho’ziluvchan video.....	30
<b>2.3</b>	CSS 3 stillari bilan ishlash.....	32
<b>III BOB.</b>	<b>WEB SAYT INTERFEYSI VA FOYDALANUVCHI YO’RIQNOMASI</b> .....	36
<b>3.1</b>	“Axborot ta’lim texnologiyalari kafedra”si web saytini interfeysini yaratish.....	36
<b>3.2</b>	Web sayt tavsifi va undan foydalanish yo`riqnomasi.....	40
<b>3.3</b>	Kompyuter oldida uzoq o’tirishning mehnat unumdorligiga ta’siri.....	48
	<b>Xulosa</b> .....	53
	<b>Adabiyotlar ro’yxati</b> .....	54
	<b>Ilova</b> .....	55

**K i r i s h****Bitiruv malakaviy ishining dolzarbligi.**

. . . . . (matn). . . . .

**Tadqiqot obyekti va predmetining belgilanishi.**

. . . . . (matn). . . . .

**Tadqiqot maqsadi va vazifalari.**

. . . . . (matn). . . . .

**Tadqiqotning asosiy masalalari va farazlari.**

. . . . . (matn). . . . .

**Mavzu bo'yicha qisqacha adabiyotlar tahlili.**

. . . . . (matn). . . . .

**Tadqiqot natijalarining nazariy va amaliy ahamiyati.**

. . . . . (nazariy ahamiyati matni) . . . . .

. . . . . (amaliy ahamiyati matni). . . . .

**Tadqiqotning ilmiy yangiligi.** Tadqiqotning ilmiy yangiligi quyidagilardan iborat:

. . . . . (matn). . . . .

**Dissertatsiya tarkibining qisqacha tavsifi.** Magistrlik dissertatsiyasi matni kompyuterga terilgan 114 bet hajmidan iborat bo'lib, asosiy qismi 90 betni tashkil qiladi, uning strukturasi kirish, 3 ta bob, 10 ta ladval, 12 chizma, 15 ta rasm, xulosa, 20 ta foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati va 2 ta ilova tashkil qiladi.

1-bobda . . . . . (matn). . . . .

2-bobda . . . . . (matn ). . . . .

3-bobda . . . . . (matn ). . . . .



Xulosa qismida magistrlik dissertatsiyasida olingan asosiy natijalar va xulosalar keltirilgan.

Ilovalarda dasurning ishlash jarayoni, oynalarni hosil qilish va dasturning kodlari keltirilgan.

Adabiyotlar ro'yxati qismida magistrlik dissertatsiyasini bajarishda foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro'yxati keltirilgan.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti Samarqand filiali  
Kompyuter injiniringi fakulteti 5A330501 – Kompuyter injiniringi  
("Kompuyter tizimlarini loyihalash") mutaxassisligi magistranti Homidov  
Abdulqodir G`aybullayevichning "Belgilari turli shkalalarda berilgan  
dinamik obyektlarni intellektual anglash modeli, algoritmlari va dasturiy  
vositalar paketini yaratish" mavzusidagi magistrlik dissertatsiyasiga ilmiy  
rahbar

## **XULOSASI**

### **Mavzuning dolzarbligi.**

..... (matn). .....

### **Tadqiqot maqsadi.**

..... (matn). .....

### **Tadqiqotning ilmiy jihatdan yangiligi.**

..... (matn). .....

### **Tadqiqot usullari.**

..... (matn). .....

Magistrlik dissertatsiyada qo'yilgan vazifalar dissertant tomonidan birin – ketin bajarilganligi boiz ham ko'zlangan maqsadga erishildi. Ushbu magistrlik dissertatsiyasini bajarish jarayonida dissertant ilmga chanqoqligi, izlanuvchanligini namoyon qilib, ushbu soha olimlarining fikrini inobatga olgan holda o'z g'oyasini olg'a surib, ishning ilmiylikini yoritish bosqichlarini ko'rsatib berdi.

Magistrlik dissertatsiyasini bajarish jarayonida Homidov Abdulqodir aniq ma'lumotlarga tayanib ishning farazlarini amalga oshirilishi, tasdig'ini topishi bo'yicha bir qancha tadqiqotlar olib bordi. Jumladan "Sinflarga xos belgilarni ketma-ket tanlash algoritmi va dasturiy vositasi.", "Harakatdagi obyektning anglash algoritmlari va obyekt holatini baholash.", "Kombinatsiyalashgan anglovchi tizimni yaratish algoritmi va dasturiy ta'minoti" ilmiy maqolalarida tadqiqot natijalarini ilmiy–amaliy

anjumanlarda ma'ruza qildi hamda «Etalon tanlovdan asosiy belgilarni sintez qiluvchi dasturiy vositalar paketi» EHM uchun dasturni rasmiy ro'yxatdan o'tkazganligi haqida patentlik guvohnomasi oldi.

Magistrant Homidov Abdulqodir tomonidan tayyorlangan magistrlik dissertatsiyasi 5A330501 – Kompuyter injiniringi (“Kompuyter tizimlarini loyihalash”) mutaxassisligiga mos keladi va magistr akademik darajasini olish uchun magistrlik dissertatsiyasiga qo'yilgan talablarga to'liq javob beradi. Magistrant magistr akademik darajasini olishga to'liq haqli deb hisoblab, u tomonidan tayyorlangan magistrlik dissertatsiyasini himoyaga tavsiya etaman va a'lo bahoga loyiq deb hisoblayman.

Toshkent axborot texnologiyalari  
universiteti Samarqand filiali  
“Kompuyter tizimlari”  
kafedrasi dotsenti  
Q.A.

t.f.n.Bekmurodov

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti Samarqand filiali  
 Kompyuter injiniringi fakulteti 5A330501 – Kompyuter injiniringi  
 (“Kompyuter tizimlarini loyihalash”) mutaxassisligi magistranti Homidov  
 Abdulqodir G’aybullayevichning “Belgilari turli shkalalarda berilgan  
 dinamik obyektlarni intellektual anglash modeli, algoritmlari va dasturiy  
 vositalar paketini yaratish” mavzusidagi magistrlik dissertatsiyasiga

## TAQRIZ

### **Mavzuning dolzarbligi.**

. . . . . (matn). . . . .

### **Tadqiqot maqsadi.**

. . . . . (matn). . . . .

### **Tadqiqotning ilmiy jihatdan yangiligi.**

. . . . . (matn). . . . .

### **Tadqiqotning amaliy ahamiyati.**

. . . . . (matn). . . . .

**Ish tuzilishi va tarkibi** - Magistrlik dissertatsiyasi matni kompyuterda terilgan 89 bet hajmdan iborat bo’lib, asosiy qismi 74 betni tashkil qiladi, uning strukturasi kirish, 3 ta bob, xulosa, foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati va 2 ta ilova tashkil qiladi.

1-bobda . . . . . (matn). . . . .

2-bobda . . . . . (matn). . . . .

. 3-bobda . . . . . (matn). . . . .

. . . . . Xulosa qismida olingan asosiy natijalar va xulosalar keltirilgan.

Ilovalarda dasurlarning kodlari keltirilgan.

Adabiyotlar ro’yxatida foydalanilgan asosiy adabiyotlar keltirilgan.

Magistrant Homidov Abdulqodir tomonidan etalon tanlov berilganda talab etilgan ishonchlilikni qanoatlantiradigan baholi va klassifikatorlarni topishga asoslangan algoritmlar va dasturiy vositalar ishlab chiqilgan. Ushbu ishni turli predmet sohalarda obyektlarni anglashda qo’llash mumkin.

Homidov Abdulqodir ishni bajarishda mavzuning dolzarbligi, maqsadi va vazifalarini belgilab olishda hamda algoritmlar va dasturiy ta'minotlar paketini ishlab chiqishda samarali mehnat qilgan.

Magistrant Homidov Abdulqodir tomonidan tayyorlangan ish 5A330501 – Kompuyter injiniringi (“Kompuyter tizimlarini loyihalash”) mutaxassisligiga mos keladi va magistr akademik darajasini olish uchun magistrlik dissertatsiyasiga qo'yilgan talablarga to'liq javob beradi. Dissertant magistr akademik darajasini olishga to'liq haqli deb hisoblab, u tomonidan tayyorlangan ushbu magistrlik dissertatsiyasini himoyaga tavsiya etaman va a'lo bahoga loyiq deb hisoblayman.

SamDU

“Ijtimoiy iqtisodiyot va  
menejment” kafedrası dotsenti

t.f.n. G.M.Porsayev

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT  
TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKACIYALARINI  
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI**

**TOSHKENT AXBOROT TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI  
SAMARQAND FILIALI**

**Fakultet** – Telekommunikasiya texnologiyalari va kasb ta’limi

**Kafedra** – Axborot ta’lim texnologiyalari

**Yo’nalish** –5111000- Kasb ta’limi (Informatika va axborot texnologiyalari)

**«TASDIQLAYMAN»**

O’quv-uslubiy bo’lim boshlig’i

\_\_\_\_\_A.R.Axmedjonov

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 yil

Bitiruv malakaviy ishi (BMI) bo’yicha

**TOPSHIRIQ VARAQASI**

**Ijrochi:** Abdukarimova Xurshida, 409-guruh, 5111000- Kasb ta’limi (Informatika va axborot texnologiyalari)

**1. BMI mavzusi:** Talabalar masofali ta’limi uchun mo’ljallangan elektron ta’lim resursini yaratish

Mavzu filial ilmiy kengashining «\_\_» \_\_\_\_\_2014 yildagi №\_\_ sonli qarori bilan tasdiqlangan.

**2. BMI bajarishni tugatish muddati** «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_2015 yil

**3. BMI dastlabki ma’lumotlari va talablari** (BMI bajarishda zarur bo’ladigan qonunlar, adabiyotlar manbai, laboratoriya-ishlab chiqarish ma’lumotlari va dalillari).

BMI da qo'yilgan mavzu bo'yicha dasturiy vositani ishlab chiqish uchun zarur bo'ladigan dasturiy ta'minotni o'rganish va ulardan foydalanish bo'yicha o'quv-uslubiy adabiyotlar olinadi.

**4. BMI bajariladigan ishlar tartibi, ko'riladigan masalalar, tarkibiy qismlari, hisoblashlar natijalari va amaliy ahamiyatini tushuntirib beruvchi tahlil natijalari** (mavzuning dolzarbligi, BMI iqtisodiy, ijtimoiy, ekologik, ilmiy-texnik, mehnat muhofazasi, hayot faoliyati xavfsizligi va h.k.).

Bitiruv malakaviy ishida talabalar masofali ta'limi uchun mo'ljallangan elektron ta'lim resursini yaratiladi. Bundan tashqari BMI da mehnat muhofazasi va hayot faoliyati xavfsizligi bo'limida texnika xavfsizligi va mehnat muhofazasi kabi savollar ham ko'rib o'tiladi.

**5. Grafik materiallari ro'yxati** (sxemalar, jadvallar, diagrammalar va h.k.)

Bitiruv malakaviy ishida jadvallar, sxemalar va rasmlardan foydalaniladi. Dastlabki ma'lumotlar jadval ko'rinishida keltiriladi. Dasturiy ta'minot yo'riqnomasi rasmlar bilan tasvirlanadi.

**6. BMI bo'yicha ma'lumotlar to'plash hamda tadqiqot ishlari olib borish manbalari va joylari** (o'quv zali va xonalari, ilmiy kutubxona, laboratoriya, tashkilot, korxonalar, ilmiy yoki ta'lim muassasi)

BMI ni bajarish davomida TATU Samarqand filiali axborot resurs markazi (ARM), SAMDU axborot resurs markazi (ARM), o'quv zali va internet tarmog'idagi elektron ta'lim resurslaridan foydalaniladi (jumladan, ziyonet axborot ta'lim tarmog'i – ziyonet.uz, TATU ning elektron ta'lim resurslari – etuit.uz va boshq.).

**7. BMI ni bajarish uchun tavsiya qilinadigan ilmiy, o'quv-uslubiy va boshqa axborot manbalari** (darslik, o'quv qo'llanmalari, ma'ruzalar matni, monografiya, ilmiy maqolalar va h.k.)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ахборотлаштириш соҳасига оид хужжатлари. [http://lex.uz/pages/?sopt\\_id=3985](http://lex.uz/pages/?sopt_id=3985).
2. Замоновий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори №ПҚ – 1730. Қабул қилинган сана 21.03.2012, кучна кириш санаси 21.03.2012.

- //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 139-модда.
3. Анисимов А.М. Работа в системе дистанционного обучения Moodle. Учебное пособие. 2-е изд. испр. и дополн.–Харьков, ХНАГХ, 2009.-292 стр.
  4. Агопонов С.В. Средства дистанционного обучения - СПб.: БХВ-Петербург, 2005. - 109 с.
  5. Бегимкулов У.Ш., Джураев Р.Х., Исянов Р.Г., Шарипов Ш.С., Адашбоев Ш.М., Цой М.Н. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт, Тошкент: – 2011.
  6. Вуль В. Электронный учебник и самостоятельная работа студентов: в сборнике Учебные и справочные электронные издания: опыт и проблемы: Материалы научно-практической конференции. - СПб.: Петербургский институт печати, 2002. - 157 с.
  7. Демкин В.П., Можаяева Г.В. Технологии дистанционного обучения. - Томск, 2007.
  8. В.И.Загвязинский. Теория обучения. Современная интерпретация. Москва. АСADEMIA, 2001.
  9. [www.allbest.ru](http://www.allbest.ru)
  10. [www.ziyounet.ru](http://www.ziyounet.ru)

### **8. BMI bajarishda zarur bo'lgan maslahatlar va topshiriqlar ro'yxati** (har bir bo'lim bo'yicha olinadigan maslahatlar ko'rsatiladi)

<b>Bo'limlar va boblar nomi (raqami)</b>	<b>Maslahatchilar, ilmiy rahbar (familiyasi, lavozimi)</b>	<b>Topshiriqni bajarish muddati</b>	<b>Topshiriqni berdi (imzo)</b>	<b>Topshiriqni oldi (imzo)</b>
Kirish	Yakubjanova D.K.	2014 yil dekabr		
1-bo'lim.	Yakubjanova D.K.	2015 yil yanvar-fevral		
2-bo'lim.	Yakubjanova D.K.	2015 yil mart-aprel		
3-bo'lim. Hayot faoliyati xavfsizligi	Yakubjanova D.K. dos. Maxmatqulov T.	2015 yil aprel –may		



Xulosa	Yakubjanova D.K.	2015 yil may		
--------	---------------------	-----------------	--	--

## 9. BMIning tayyorlash bo'yicha amalga oshiriladigan ishlar rejasini

<b>№</b>	<b>Bajariladigan ishlar ro'yxati</b>	<b>Ijro muddati</b>	<b>Taxminiy hajmi (bet)</b>	<b>Ishni bajarilganligi haqida rahbar imzosi</b>	<b>Izoh</b>
1	BMI mavzusini tasdiqlash	2014 yil oktyabr	-		
2	Mavzu bo'yicha ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish (yordamchi mulohaza va fikrlar)	2014 yil noyabr-dekabr	15		
3	Masalaning qo'yilishi. Mavzuning dolzarbligi, yechilishi yoki o'rganilishi lozim bo'lgan masalaning mohiyatini va maqsadini yoritib berish (kirish qismi)	2014 yil dekabr	10		BMI oldi amaliyotiga chiqqishdan oldin
4	BMI nazariy qismini tayyorlash (1-bo'lim)	2015 yil yanvar - fevral	15		
5	BMI tahliliy natijalarini tayyorlash (2-bo'lim) (Olib borilgan tajribalar, tatqiqot ishlari, natijalarni tahlil qilish va tartibga solish - bob, bo'lim yoki qismlar bo'yicha ajratish)	2015 yil mart-aprel	25		BMI oldi amaliyotini o'tash davrida

6	Olingan natijalarning nazariy va amaliy ahamiyati bo'yicha xulosa berish hamda tadbiq sohalari va usullariga oid takliflar tayyorlash	2015 yil aprel - may	5		BMI oldi amaliyotini o'tash davrida
7	BMI xomaki variantini matnli qismini tayyorlash	2015 yil may	50		BMI oldi amaliyoti tugagandan keyin
8	Xayot faoliyati xavsizligi va mehnat muhofazasi qismini tayyorlash	2015 yil may - iyun	7		Maslahatlar olish davrida
9	BMI ni dastlabki himoyaga taqdim qilish	2015 yil iyun	65		
10	BMI ni rasmiylashtirish, uning himoyasi uchun zaruriy ko'rgazmali vositalarni (jadvallar, rasmlar, grafiklar, diagramma, maket, stend va h.k.) tayyorlash	2015 yil iyun	15		
11	BMI ni to'liq tugatib, taqrizlar va rahbar mulohazasini olish uchun tayyorlash, himoyaga chiqish matni va taqdimotini tayyorlash	2015 yil iyun	15		
12	BMI ni himoya qilish	2015 yil iyun			DAK jadvaliga asosan

**BMI bo'yicha maslahatchi:**

**Jomboy Informatika va xizmat  
ko'rsatish kasb-hunar kolleji  
direktor o'rinbosari Q. Xaydarov**

**Mehnat muhofazasi, hayot  
faoliyati xavfsizligi:**

**TATU Samarqand filiali  
"Tabiiy fanlar" kafedrasida dosenti  
Maxmatqulov T.**

**Ilmiy rahbar:**

**TATU Samarqand filiali  
"Axborot ta'lim texnologiyalari"  
katta o'qituvchisi Yakubjanova D.Q.**

**Kafedra mudiri:**

**katta o'qituvchisi Yakubjanova D.Q.**

**Topshiriq varaqasini olgan  
talabani guruh, F.I.Sh. va sanasi**

**409-guruh talabasi Abdulkarimova  
Xurshida**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014y.

\_\_\_\_\_  
(imzosi)

**ТАТУ Самарқанд филиали**  
**Яқуний Давлат Аттестация Комиссияси**  
**диссертация ҳимояси бўйича талабалар томонидан**  
**тақдим этиладиган ҳужжатлар**  
**РЎЙХАТИ**

(Ҳар бири тасдиқланган ҳолда ҳимоядан 10 кун олдин  
топширилади)

№	Бажариладиган ишлар	Сони
1.	Битирув малакавий иши	1 нусхада
2.	Талабанинг шахсий ўқув карточкаси	1 нусхада
3.	Битирув малакавий иши топшириқ варақаси	1 нусхада
4.	Илмий раҳбар хулосаси	1 нусхада
5.	Ташқи тақриз	1 нусхада
6.	Ҳимоя пайтида сўзлайдиган маърузаси	1 нусхада

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» - Т.: 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. - Т.: 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим концепцияси. - Т.: 1994.
4. Беспалько В.П., Татур Ю.Г. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. – М., 1989.
5. Сибилла Райхерт, Кристиан Таух. Тенденции IV: Европейские университеты на пути осуществления болонских реформ.
6. Каберри Г.Р. Персональные компьютеры в автоматизированном проектировании. –М.: Машино-строение, 1999.
7. Карпов В.В., Катханов М.Н. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. – М., 1992.
8. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. – М.: «Арена», 1994.
9. Педагогические технологии: Учебное пособие для студентов педагогических специальностей. – Ростов на Дону: издательский центр «Март», 2002.
10. **Интернет сайтлари:**
  1. [www.ppf.uni.udm.ru](http://www.ppf.uni.udm.ru)
  2. [www.school.edu.ru](http://www.school.edu.ru).

## МУНДАРИЖА

1. Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари.....	2
2. Битирув малакавий ишлар мавзуларини танлаш ва тасдиқлаш тартиби.....	5
3. Битирув малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш .....	7
4. Битирув малакавий ишнинг таркиби ва мазмуни.....	9
5. Битирув малакавий ишнинг бажарилиши.....	15
6. Битирув малакавий ишнинг расмийлаштирилиши.....	16
7. Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш.....	18
8. Битирув малакавий ишни баҳолаш мезонлари.....	20
9. Фойдаланилган адабиётлар.....	22
10. Иловалар	

Битирув малакавий ишларини тайёрлаш бўйича услубий  
кўрсатма

---